



O'ZSANOATQURILISHBANK

"O'zbekiston sanoat-qurilish banki" ochiq aksiyadorlik tijorat banki
"Uzbek Industrial and Construction Bank" Open Joint-Stock Commercial Bank
Открытый акционерный коммерческий банк "Узбекский промышленно-строительный банк"

BOSHQARUV QARORI

Toshkent sh.

№ 27

2014 yil 31 avgust

"Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ тизими эҳтиёжлари учун товарлар (ишлар, хизматлар)нинг харидини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида Низом (янги тахрири)ни тасдиқлаш ҳақида

"Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ эҳтиёжи учун товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида,

БОШҚАРУВ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ тизими эҳтиёжлари учун товарлар (ишлар, хизматлар)нинг харидини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом (янги тахрири) иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2014 йил 3 мартдан бошлаб амалиётга жорий қилинсин.
2. Банк филиаллари раҳбарлари мазкур Низомни ходимлар эътиборига етказсин ҳамда унинг талабларига оғишмай риоя этилиши таъминлансин.
3. Шу муносабат билан Банк Бошқарувининг 2012 йил 14 мартдаги 27/1-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ эҳтиёжлари учун товарлар (хизматлар ва ишлар) сотиб олиш тартиби тўғрисида"ги Низом ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Бошқарув Раиси ўринбосари С.Ходжаев зиммасига юклатилсин.

Бошқарув Раиси

А. Абдуллаев

Бошқарув Раисининг
биринчи ўринбосари

Бошқарув Раиси ўринбосари

Бошқарув Раиси ўринбосари

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи
департаменти директори

Юридик бошқарма бошлиғи

Иқтисодий таҳлил департаменти директори

Ж. Обиджонов

Ш. Якубов

С. Ходжаев

А. Рашидов


Б. Усмонов

Б. Рахматов

Юридик бошқарма
Методология бўлимида 2014 йил
“31” ~~сентябр~~ да ~~24~~ -сон билан
“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ
Бошқарувиининг
2014 йил “31” ~~сентябр~~ даги
27-сонли қарори билан
“ТАСДИҚЛАНГАН”

Бошқарув Раиси


А. А. Абдуллаев

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ тизими эҳтиёжлари учун товарлар (ишлар, хизматлар)нинг харидини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ва “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 5 апрелдаги “Электрон харидлар тизимини мақбуллаштириш ва улардан тадбиркорлик субъектларининг фойдаланишини кенгайтириш тўғрисида”ги ПҚ-1948-сонли Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги “Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 456-сонли, 2003 йил 3 июлдаги “Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 302-сонли ва 2013 йил 11 июндаги “Давлат ва корпоратив харидлар жараёнини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 166-сонли Қарорлари ҳамда “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами: 916, 2000 йил 5 апрель) ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ишлаб чиқилган.

Ушбу ички меъёрий ҳужжат “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ (кейинги ўринларда банк) тизимида товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш тартибини белгилайди.

2. Бош банк, унинг минтақавий филиаллари ва Бош банк ҳузуридаги Амалиёт бошқармаси (кейинги ўринларда Банк ва унинг филиаллари) ушбу Низомнинг 1-иловасида келтирилган турдаги битта контракт бўйича 300 (уч юз) АҚШ долларидан 100 (бир юз) минг АҚШ долларигача тегиб бўлган суммадаги товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиб олиш бўйича Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси (кейинги ўринларда биржа) томонидан ташкил қилинадиган алоҳида савдо майдончасида электрон савдолар воситасида харид қиладилар.

3. Банк ва унинг филиаллари мазкур Низомнинг 1-иловасида кўзда тутилмаган турдаги товарлар (ишлар, хизматлар)нинг харидларини танлов (конкурс) ўтказган ҳолда сотиб олади.

4. Ушбу Низом талаблари асосида қуйидаги ҳолатларда товарлар (ишлар, хизматлар) харидлари электрон савдоларсиз ва танлов ўтказилмасдан

Юридик бошқарма
Методология бўлимида 2014 йил
“ ” да -сон билан
“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ

Бошқарувининг

2014 йил “31” *декабр* даги

27-сонли қарори билан

“ТАСДИҚЛАНГАН”

Бошқарув Раиси

А.А. Абдуллаев



“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ тизими эҳтиёжлари учун товарлар (ишлар, хизматлар)нинг харидини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ва “Рақобат тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 5 апрелдаги “Электрон харидлар тизимини мақбуллаштириш ва улардан тадбиркорлик субъектларининг фойдаланишини кенгайтириш тўғрисида”ги ПҚ-1948-сонли Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги “Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 456-сонли, 2003 йил 3 июлдаги “Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 302-сонли ва 2013 йил 11 июндаги “Давлат ва корпоратив харидлар жараёнини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 166-сонли Қарорлари ҳамда “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами: 916, 2000 йил 5 апрель) ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ишлаб чиқилган.

Ушбу ички меъёрий ҳужжат “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ (кейинги ўринларда банк) тизимида товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш тартибини белгилайди.

2. Бош банк, унинг минтақавий филиаллари ва Бош банк ҳузуридаги Амалиёт бошқармаси (кейинги ўринларда Банк ва унинг филиаллари) ушбу Низомнинг 1-иловасида келтирилган турдаги битта контракт бўйича 300 (уч юз) АҚШ долларидан 100 (бир юз) минг АҚШ долларигача тенг бўлган суммадаги товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиб олиш бўйича Ўзбекистон республика товар-хон ашё биржаси (кейинги ўринларда биржа) томонидан ташкил қилинадиган алоҳида савдо майдончасида электрон савдолар воситасида харид қиладилар.

3. Банк ва унинг филиаллари мазкур Низомнинг 1-иловасида кўзда тутилмаган турдаги товарлар (ишлар, хизматлар)нинг харидларини танлов (конкурс) ўтказган ҳолда сотиб олади.

4. Ушбу Низом талаблари асосида қуйидаги ҳолатларда товарлар (ишлар, хизматлар) харидлари электрон савдоларсиз ва танлов ўтказилмасдан

амалга оширилади:

а) шартнома тузиш вақтида 300 (уч юз) АҚШ доллариға тенг суммадан ошмаган миқдорда товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олинганда;

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банк, Ўзбекистон Банклари Ассоциацияси ва бошқа юқори ташкилотлар кўрсатмалари бўйича Банк ва унинг филиаллари учун товарлар, бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар учун ҳақ тўланиши белгиланган ҳолларда;

в) Банкнинг жорий фаолияти билан боғлиқ коммунал хизматлар, табиий газ, иссиқ ва совуқ сув, канализация, электр энергия таъминоти, алоқа, почта-телеграф, махсустранс хизматлари учун тўловлар ушбу хизматларни ягона етказиб берувчилари билан тўғридан-тўғри тузиладиган шартномалар асосида амалга оширилганда;

г) Банкнинг реклама фаолияти (газета, журнал ва телевидение), шунингдек кўргазмалардаги иштироки ва оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари билан боғлиқ товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиб олиш Банк Бошқаруви Раиси ўринбосарининг рухсати асосида амалга оширилганда;

д) Банк ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш, меҳнат шaroитларини яхшилаш ва иш фаолияти учун қўшимча қулайликлар яратиш, дам олиш, даволаш, шу жумладан банк ходимларига дориларни сотиб олиш, ўқитиш, транспорт, ойлик йўл чипталарини харид қилиш Банк Бошқаруви Раиси ўринбосари рухсати билан амалга оширилганда;

е) Ички ишлар вазирлигининг қўриқлаш хизмати томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун тузилган шартномалар асосида тўловлар амалга оширилганда;

ж) Марказий банк ва унинг ҳудудий Бош бошқармалари таркибида бўлган ва уларга бўйсунувчи ёки уларнинг кўрсатмалари асосида ишловчи ташкилотлардан товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиб олиш шартнома асосида амалга оширилади. Улар жумласига, Инкассация бирлашмаси, Ахборотлаштириш Бош маркази ва шу сингари ташкилотларнинг Марказий банк талаблари бўйича банк мижозларига банк хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун зарур товарлар (ишлар, хизматлар) киради;

з) товарларни сотишга алоҳида ҳуқуқи бўлган фақат битта етказиб берувчидан товарлар харид қилиш мумкин бўлганда.

5. Филиал томонидан битта етказиб берувчи билан тузилган шартномалар суммаси бир ой давомида умумий сотиб олинган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг максимал миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 50 (эллик) бараваридан, Бош банк ҳузуридаги Амалиёт бошқармаси учун эса энг кам ойлик иш ҳақининг 120 (бир юз йигирма) бараваридан ошириш мумкин эмас. Ушбу маблағ ишлатилмаган қисмининг кейинги ойда сарфланиши тақиқланади.

6. Банк ва унинг филиалларида тахминий қиймати 50 (эллик) минг АҚШ доллари эквивалентига тенг миқдордан ортиқ битта шартнома бўйича жорий ва капитал курилиш билан боғлиқ ишлар ва хизматларнинг бутун комплексини бажариш, товарлар харид қилиш, асбоб-ускуналар сотиб олиш Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги “Капитал курилишда танлов савдолари

тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 302-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал курилишда танлов савдолари тўғрисида”ги Низом талаблари асосида ташкил қилинади.

7. Банк Бошқаруви қарори билан Бош банк тизимида харидларни ташкил этиш учун Бош банк комиссияси тузилади.

Филиалларда банк эҳтиёжи учун товарлар (ишлар, хизматлар)нинг электрон харидини ташкил қилиш мақсадида филиал бошқарувчиси (бошлиғи) буйруғи билан Филиал комиссияси тузилади.

Бош банк ва филиал комиссияларининг иш фаолияти ва вазифалари амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур Низом билан тартибга солинади.

8. Бош банк комиссияси камида 7 кишидан иборат бўлиб, қуйидаги таркибда тузилади:

Бош банк комиссияси Раиси:

- Бошқарув Раиси ўринбосари

Бош Банк комиссияси аъзолари:

- Иқтисодий таҳлил департаменти директори (Комиссия Раиси ўринбосари)

- Бухгалтерия операциялари назорати ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи

- Юридик бошқарма бошлиғи

- Стратегия ва маркетинг бошқармаси бошлиғи

- Капитал қўйилмаларни молиялаштириш бошқармаси бошлиғи

- Пул муомаласи ва касса операциялари бошқармаси бошлиғи

Котиб:

- Маркетинг бўлими бошлиғи (овоз бериш ҳуқуқсиз)

Ишлаб чиқариш заруриятига кўра, Бош банк комиссияси Раиси иш жойида бўлмаганда (хизмат сафарида, меҳнат таътилида, меҳнатга лаёқатсиз бўлганда ва ҳ.к.) унинг вазифасини вақтинча Комиссия Раиси ўринбосари бажаради.

9. Минтақавий филиал ва Бош банк ҳузуридаги Амалиёт бошқармаси комиссияси камида 7 кишидан, қуйи филиал комиссияси эса камида 5 кишидан иборат бўлиб, унинг таркибида:

бошқарувчи (бошлиқ) ёки унинг ўринбосари;

бухгалтерия бўлими; (Бош бухгалтер)

иқтисодий таҳлил бўлими (минтақавий филиал учун);

компьютерлаштириш бўлими;

қурилиш бўлими (минтақавий филиал учун);

юридик хизмат;

хўжалик бўлими ходими бўлиши лозим.

Филиал комиссиясида котиблик вазифасини иқтисодий таҳлил бўлимининг ходими бажаради.

II. Банк эҳтиёжи учун товарлар (ишлар, хизматлар)нинг Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасида электрон харидларни ташкил этиш тартиби

10. Бош банк ва филиал комиссиясининг (кейинги ўринда комиссия) муҳокамасига банк эҳтиёжи учун электрон савдолар орқали сотиб олиниши

лозим бўлган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилиниши лозим:

Бош банкнинг тегишли департамент ва мустақил бошқармалари (филиалларда бўлим) раҳбари номидан билдиришнома;

нуқсон далолатномаси (асосий воситаларни таъмирлаш ишларига эҳтиёж бўлганда);

савдолар ўтказилиши муддатлари;

савдолар предметининг мўлжалланаётган бошланғич нархи;

ишлаб чиқарувчи томонидан товар учун белгиланган кафолат даври ва ундан кейинги фойдаланиш даврида хизмат кўрсатиш имкониятлари;

айрим товарларнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифловчи ранги, ҳажми, вазни ва техник параметрларни характерловчи маълумот.

11. Комиссиянинг мажлис баёни ушбу Низомнинг 2-илоvasида келтирилган баённома намунаси асосида расмийлаштирилади.

12. Комиссия котиби зиммасига қуйидагилар юклатилади:

савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги ва қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш;

томонлар ўртасидаги контракт мажбуриятларини бажариш тугагандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланишини таъминлаш;

биржа томонидан банк учун берилган логин ва паролдан зарур даражада фойдаланиш;

<http://uzex.uz> ахборот порталида банк учун берилган шахсий кабинетдан тўғри фойдаланиш;

буюртманомаларда жойлаштириладиган ахборотларнинг тўлиқлиги ва сифатлигини таъминлаш.

13. Банк ва унинг филиаллари товарлар (ишлар, хизматлар)ни электрон харидини амалга ошириш учун биржа савдосининг қатнашчиси (буюртмачи) сифатида белгиланган тартибда аккредитациядан ўтади.

14. Аккредитациядан ўтиш учун банк ва унинг филиаллари биржага (кейинчалик биржага бериш учун филиал рўйхатдан ўтказилган жой бўйича биржанинг минтақавий бўлинмаларига) қуйидагиларни тақдим этади:

Белгиланган шаклдаги ариза;

Банк операцияларини амалга ошириш учун лицензия;

Бош банк ёки филиал раҳбари ва бош бухгалтерининг тасдиқланган имзолари намуналари.

15. Банк ва унинг филиаллари ташкилий-ҳуқуқий шакли, номи, манзили ёхуд аккредитациянинг ҳолатига ёки амал қилишининг давом этишига таъсир қиладиган бошқа ўзгаришлар бўлган тақдирда беш кун муддатда биржага (биржанинг минтақавий бўлинмаларига) тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда ушбу ўзгаришлар тўғрисидаги ёзма маълумотларни беради.

16. Банк ва унинг филиаллари аккредитация натижасига кўра биржада индивидуал тартиб рақамига мувофиқ аванс тўловлари ҳисоби юритиладиган

алоҳида шахсий ҳисоб рақам ҳамда шахсий кабинетига кириш учун фойдаланиладиган индивидуал логин ва паролга эга бўлади.

17. Биржа савдолари жараёнида банк томонидан буйруқ билан тайинланган масъул ходим қатнашади. Ушбу ходим логин ва паролларга тааллуқли маълумотларнинг сир сақланиши ва тарқатилмаслигига жавобгар бўлади. Биржа савдоларида қатнашувчи масъул шахс ўзгарганда парол ва логинни ўзгартириш бўйича биржага ёзма мурожаат этилади.

18. Бош банк айрим ҳолатларда электрон аукцион савдоларда қатнашиш учун биржада аккредитация тартиб-қоидадан ўтган агент (юридик шахс) хизматидан фойдаланиши мумкин.

Агент билан ўзаро муносабатлар, шу жумладан агентни тақдирлаш суммаси ҳамда индивидуал логини ва паролидан фойдаланиш шартлари амалдаги қонун ҳужжатлари шунингдек, банк билан тузилган шартнома асосида белгиланади.

19. Банк филиаллари махсус <http://uzex.uz> ахборот порталида Бош банк томонидан тасдиқланган асосий воситалар харид қилиш сметаси ва молиявий режага асосан келгуси давр (йил, йил чорақлари) учун буюртмалар режа-жадвалларини Бош банк билан келишилган ҳолда (рухсат хати асосида) жойлаштирадilar.

Режа-жадвалларига буюртма жойлаштирилишидан олдин 30 кундан кечикмай қуйидаги ҳолларда тузатишлар киритилади:

савдолар предметларини сотиб олишнинг режалаштирилаётган қиймати кўпайганда, бунинг натижасида режа-жадвалда назарда тутилган контрактнинг бошланғич (максимал) нархига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш мумкин бўлмаганда;

савдолар предметларини сотиб олишнинг режалаштирилаётган муддатлари, харид қилиш усули ўзгарганда ёки бошқа сабабларга кўра бекор қилинганда.

20. Махсус ахборот порталида жойлаштирилган режа-жадвалларда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

банк филиалининг номи ва манзили;

савдолар предмети;

савдоларни ўтказиш оyi;

савдолар предметининг мўлжалланаётган бошланғич нархи;

товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш муддатлари ва шартлари;

товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш жойи (манзили);

савдо предметининг индивидуал параметрларини характерловчи алоҳида шартлар (ранги, шакли, вазни, ўлчамлари);

ишлаб чиқарувчи томонидан товар учун белгиланган кафолат даври ва ва ундан кейинги фойдаланиш даврида хизмат кўрсатиш имкониятлари.

21. Филиал махсус ахборот порталига эълон жойлаштириш санасидан

камида 25 иш кунидан аввал Банк Бошқаруви Раиси ўринбосарига сотиб олиниши кўзланаётган товарлар (ишлар, хизматлар) сони ҳамда иш фаолияти учун зарурлигини асослаган хати ва комиссия баённомасини илова қилган ҳолда мурожаат қилади.

22. Бош банк томонидан харид предметининг тасдиқланган смета ва молиявий режа лимитига мослиги, зарур бўлганда Бош банкнинг тегишли таркибий бўлинмаларининг хулосасига асосан 7 иш кун мобайнида қуйи филиалларга жавоб хати берилади.

23. Банк ва унинг филиаллари (Бош банкдан ижобий жавоб олингандан сўнг) биржа савдоларида қатнашиш учун мустақил равишда (айрим ҳолатларда агент хизматидан фойдаланган ҳолда) етказиб берувчини аниқлаш санасидан камида 15 календарь кунидан аввал бўлажак харидлар тўғрисидаги ахборотни махсус ахборот порталига жойлаштирадилар. Зарурат бўлганда эълонни (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш учун савдолар ўтказишда) савдолар предмети бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар билан тўлдиради.

24. Банк ва унинг филиаллари савдолар ўтказиш тўғрисидаги эълонни махсус ахборот порталида жойлаштириш учун биржа белгиланган миқдорда тўловни амалга оширади.

25. Эълон ва буюртманома матнида савдолар предметига тааллуқли бўлмаган ва етказиб берувчилар ўртасида рақобатни чекловчи талабларни киритиш тақиқланади.

26. Имконияти юқори бўлган етказиб берувчиларга нисбатан чекловлар белгилаш зарур бўлганда эълонга тегишли талабларни фақат Давлат улуши устун бўлган табиий монополиялар субъектлари, корхоналар ва ташкилотларнинг электрон харидлари бўйича Ҳукумат комиссиясининг рухсати билан киритиш мумкин.

27. Электрон савдолар ўтказиш тўғрисидаги эълонда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

банк филиалининг номи ва манзили;

савдоларнинг биринчи ва охири кун (савдолар муддати);

савдолар предметининг бошланғич нархи;

савдолар предметининг тавсифи (спецификацияси);

савдолар предмети лотлар бўйича бўлиш ва ҳар бир лотнинг миқдори;

товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш жойи (манзили) ҳамда муддатлари ва шартлари;

савдолар предметининг индивидуал параметрларини характерловчи алоҳида шартлар (ранги, шакли, вазни, ўлчамлари);

ишлаб чиқарувчи томонидан товар учун белгиланган кафолат даври ва ундан кейинги фойдаланиш даврида хизмат кўрсатиш имкониятлари;

айрим товарлар бўйича етказиб берувчининг товарлар (ишлар, хизматлар) учун божхона юк декларацияси, сертификат, гувоҳнома, лицензия ҳужжатларини мавжудлиги.

28. Банк ва унинг филиаллари савдоларда қатнашиш учун эълон жойлаштиргунга қадар ҳисоб-китоб-клиринг палатасининг иккиламчи депозит ҳисоб рақами доирасида ўз шахсий ҳисоб рақамига тузилажак контракт тахминий суммасининг 3 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда аванс тўловларини ўтказди. Аванс тўловларисиз буюртманомалар жойлаштирилмаган ҳисобланади ва биржа томонидан активлаштирилмайди.

Бунда аванс тўловлари электрон тизим томонидан савдолар ғолиби аниқлангунга қадар блокировка қилинади.

29. Савдолар электрон тизимда, бошланғич нархни босқичма-босқич пасайтирган ҳолда ўтказилади. Савдолар босқичининг ўлчами биржа томонидан белгиланади.

30. Электрон савдоларда камида икки нафар етказиб берувчи қатнашса савдолар бўлиб ўтган деб ҳисобланади.

31. Электрон савдоларнинг тугаш вақти келганда тизим савдоларнинг ўтказилиш вақти мобайнида берилган энг паст нархли буюртманомани автоматик тарзда аниқлайди. Энг паст нархли буюртманомани берган етказиб берувчи электрон тизим орқали савдоларнинг ғолиби сифатида танлаб олинади.

32. Электрон тизимда амалга оширилган битимлар натижалари бўйича контракт расмийлаштирилади.

Бунда, Банкнинг буюртманомасида баён қилинган шартларга мувофиқ автоматик тарзда амалга оширилган битимни биржа қайд этади ҳамда контрактни шунингдек, унинг электрон шакли филиалнинг персонал кабинетига юбориладиган воситачилик йиғимини тўлаш учун ҳисоб-фактурани шакллантиради.

33. Банк ва унинг филиалларидаги масъул ходим бўлиб ўтган савдолар бўйича шахсий кабинетга биржадан юборилган электрон контрактлар нусхасини мустақил равишда кўчириб олади ва зарурат бўлганда ўзи жойлашган ҳудуддаги биржада (биржанинг минтакавий бўлинмасида) тасдиқлатади.

34. Савдоларда ғолиб чиққан етказиб берувчи контракт тузишни рад этганда ёки уни тузишдан бошқача тарзда бош тортганда унинг молиявий закали, савдолар ғолиби аниқланган санадан бошлаб бир ҳафта муддатда, етказилган зарар учун компенсация сифатида Банкнинг тегишли ҳисоб рақамига ўтказилади.

Шунингдек контракт тузишдан бош тортиш туфайли етказилган зарарларни қоплаш талаби билан Банк судга мурожаат қилишга ҳақли.

35. Банк ва унинг филиалларидаги масъул ходим ҳисоб-китоб-клиринг палатаси амалга оширилган аванс тўловининг блокировкадан чиқарилган қолдиқларини бир иш куни мобайнида банкнинг талаб қилиб олингунгача депозит ҳисоб рақамига ўтказилишини назорат қилади.

36. Агар 15 кун мобайнида савдоларда икки нафардан кам етказиб берувчи қатнашса, савдолар бўлиб ўтмаган деб ҳисобланади, савдолар ғолиби аниқланмайди. Банк савдоларни яна 10 кунга узайтиради. Савдоларни узайтириш банк томонидан асосий савдолар тугаган вақтдан бошлаб амалга оширилади.

Савдоларни узайтиришда банк зарурат бўлганда, бошланғич нархни аниқлаштиришга ҳақлидир.

37. Етказиб берувчиларнинг буюртманомалари йўқ бўлган ҳолда ва узайтирилган савдолар бўлиб ўтмаган деб эълон қилинган тақдирда электрон тизим Банк ва унинг филиаллари буюртманомасини кафолатловчининг буюртманомаси билан бирлаштиради.

Ушбу ҳолатда банк ва унинг филиаллари товарлар (ишлар, хизматлар)ни Банк комиссияси томонидан танлов (конкурс) ўтказган ҳолда сотиб олади.

III. Банк ва унинг филиаллари эҳтиёжи учун товарлар (ишлар, хизматлар)ни танлов асосида сотиб олиш тартиби

38. Банк ва унинг филиаллари биржада узайтирилган электрон харид бўлиб ўтмаган тақдирда ҳамда ушбу Низомнинг 1-иловасида кўзда тутилмаган битта контракт бўйича 300 (уч юз) АҚШ долларидан 100 (бир юз) минг АҚШ долларига тенг бўлган суммадаги товарлар (ишлар, хизматлар) харидлари Комиссия томонидан танлов (конкурс) ўтказган ҳолда амалга оширилади.

39. Комиссия банк эҳтиёжлари учун зарур, юқори сифат, арзон нарх ва бошқа кўрсаткичларни инобатга олиб, банк талабларига мос келувчи товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш учун танлов (конкурс) ташкил қилади ва энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида амалга оширилади.

40. Банк эҳтиёжи учун сотиб олинadиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича танлов эълони (муддатлари кўрсатилган ҳолда) Комиссияси Раиси томонидан имзолангандан сўнг етказиб берувчини аниқлаш санасигача камида 15 календарь кун олдин маҳаллий газетада чоп этирилади ва интернет сайтига жойлаштирилади.

Шунингдек, комиссия котиби харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг тавсифномасини, сонини, бажариш муддатини ва товарни етказиб бериш жойини кўрсатган ҳолда таклифларни етказиб берувчиларга ёки пудратчиларга юбориши лозим.

Бундан ташқари етказиб берувчилар ёки пудратчилар эълон қилган нархлар ва тавсифномаларни таққослаши лозим.

41. Танлов холис ва ошқора тарзда ўтказилиши учун камида 5 (беш)та хўжалик юритувчи субъектдан тижорат таклифлари олинishi лозим. Танлов эълонида кўрсатилган муддатга қадар хўжалик юритувчи субъектлардан келиб тушган тижорат таклифлари 5 (беш)тадан кам бўлса, танлов бекор қилинади ва қайтадан танлов ўтказилади.

42. Комиссия котиби танловда иштирок этиш учун хўжалик юритувчи субъектлардан келиб тушган йўлланма хат билан ёпиқ ҳолатда тақдим қилинган конвертни қабул қилиб, ушбу йўлланма хатни рўйхатга олиш китобида қайд этади. Мазкур китоб муҳрланган, рақамланган ва тикилган бўлиши лозим. Котиб ушбу ёпиқ ҳолатда тақдим қилинган конвертни қабул қилиб, Комиссия йиғилган куни тақдим этади.

43. Сотиб олинishi лозим бўлган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича Комиссия муҳокамасига қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилиниши лозим:

Бош банкнинг тегишли департамент ва мустақил бошқармалари

(филиалларда бўлим) бошлиғи номидан билдиришнома;

айрим ҳолатларда Банкнинг барча филиалларида маълум бир товарлар (ишлар, хизматлар)га эҳтиёж пайдо бўлганда тегишли департамент ва мустақил бошқармалари томонидан тақдим этилган товарлар (ишлар, хизматлар)га эҳтиёж мавжудлиги юзасидан билдиришнома;

нуксон далолатномаси (асосий воситаларни таъмирлаш ишларига эҳтиёж бўлганда);

умумий хусусиятлари бир хил ва филиал эҳтиёжлари учун мос келувчи товарлар, бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар нархлари ҳақида камида 5 (беш)дан ортиқ етказиб берувчилардан олинган тижорат таклифлари;

агар сотиб олинаётган товарлар, бажариладиган ишлар ва хизматлар амалдаги қонунчилик асосида лицензияланган бўлиши лозим бўлса, мазкур лицензия нусхаси;

маҳаллий газета ёки интернет сайтда ўтказилаётган танлов ҳақидаги эълон нусхаси.

44. Ўзига хос товарлар (ишлар ва хизматлар) бўйича буюртмалар (билдиришнома) олинганда, Бош банк комиссияси лозим ҳолларда тегишли таркибий бўлинмалардан мутахассисларни жалб қилиши, зарур бўлган товарлар (ишлар ва хизматлар) нинг техник ҳамда бошқа хусусиятларини тўлароқ ўрганиш, аниқлаштириш учун товарларнинг намуналари, ишлар ва хизматларнинг сифати шунингдек, бошқа ўзига хос хусусиятларини тавсифловчи қўшимча маълумот ва ҳужжатлар олиши, ходимларга топшириқлар бериши, нарх бўйича хулосалар олиши мумкин.

45. Товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилиш ҳақидаги Комиссия қарори маҳсулотлар бозори конъюнктурасини таҳлил қилиш асосида, ҳужжатларини ўрганиш ва танлов асосида қабул қилинади. Бунда бир ёки бир неча кўрсаткичлар бирлигининг Банк манфаатларига мослиги бошқа кўрсаткичлар аҳамиятига нисбатан каттароқ салмоққа эга бўлиши лозим. Танлов ўтказилаётганда товарлар (ишлар, хизматлар)нинг қуйидаги асосий кўрсаткичлари эътиборга олинади:

нархи;

сифати;

фойдаланишдаги асосий хусусиятлари;

ҳисоб-китоблар тартиби;

етказиб бериш (ижро қилиш) муддатлари;

кафолат даврида ва ундан кейинги фойдаланиш даврида хизмат кўрсатиш имкониятлари;

айрим ҳолатларда товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилишда йўл (транспорт) ва бошқа қўшимча харажатларнинг миқдорлари;

Банк манфаатларига ижобий таъсир кўрсатувчи бошқа ҳолатлар.

46. Сотиб олинаётган товарлар (ишлар, хизматлар) амалдаги қонунчилик асосида лицензияланган бўлса, лицензиялар нусхаларини олиш лозим. Бундан ташқари, айрим ҳолларда банк манфаатларига мослиги нуктаи назаридан келиб чиқиб, Комиссия қўшимча маълумот ва изоҳларни кўриб чиқиши мумкин. Бунда, Комиссияга товарларнинг намуналари, иш ва хизматларнинг сифати ҳамда бошқа ўзига хос хусусиятларни тавсифловчи қўшимча маълумот ва ҳужжатлар етказиб

берувчилардан сўралиши мумкин.

47. Комиссиянинг қарори Комиссия аъзоларининг умумий сонидан камида 60% қисмининг розилиги билан қабул қилинади. Қарорда танлаб олинган (ғолиблиги тасдиқланган) етказиб берувчининг тўлиқ номи, сотиб олинаётган товарлар (ишлар, хизматлар) предмети, сифат кўрсаткичлари, нархи, миқдори ва хариднинг бошқа зарурий шартлари акс эттирилади. Баённомада қабул қилинган қарордан фарқли фикрга эга комиссия аъзоларининг фикри акс эттирилиши мумкин.

48. Айрим ҳолларда Комиссия товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчиларнинг тижорат таклифларини Банк манфаатларига янада мослаштириш учун уларни комиссия мажлисига таклиф этиши мумкин.

49. Комиссия энг яхши таклифлар танлови ғолибини аниқлаш вақтида товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиб олиш юзасидан таклиф юборилган ҳўжалик юритувчи субъектнинг махсус <http://uzex.uz> ахборот порталида жойлаштирилган ноҳалол етказиб берувчилар реестрида йўқлигини текшириши ва унга ишонч ҳосил қилиши шарт.

50. Комиссия товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш бўйича муҳокама натижасини ушбу Низомнинг 3-илоvasида келтирилган шаклдаги танлов баённомаси билан расмийлаштириш тавсия қилинади.

Танлов натижалари юзасидан ғолиб деб топилган етказиб берувчига танлов яқунлари ҳақида хабар берилади.

51. Комиссия аъзолари танловнинг ҳаққоний ўтказилишига масъулдирлар. Комиссия аъзолари танлов жараёнида ва яқуний қарор қабул қилингунга қадар, танлов маълумотларини сир сақлашлари, етказиб берувчилар билан танлов яқунларига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган мулоқотга кирмасликлари лозим.

52. Филиал томонидан ўтказилган танлов натижалари бўйича ҳужжатлар ўрганиб чиқиш учун Бош банкка тақдим этилади (рухсат хати, баённома ва ҳ.к.лар илова қилинган ҳолда).

53. Бош банкнинг рухсат хати асосида ва филиал комиссияси баённомасида ғолиб деб топилган етказиб берувчи билан филиал шартнома тузади ва маблағлар тўлашни амалга оширади.

54. Танланган етказиб берувчи билан Комиссия баённомасида кўрсатилган шартларда шартнома тузиш (харид қилиш) асосли сабабга кўра мумкин бўлмаганда, танлов бекор қилинади ва зарурият пайдо бўлганда танлов қайтадан ўтказилади.

55. Комиссияга танловда иштирок этиш учун ҳўжалик субъекти томонидан сохта ҳужжатлар ёки маълумотлар тақдим қилинганлиги аниқланса, Комиссия аъзолари ва котиби ушбу ҳужжатлар ва маълумотлар юзасидан жавобгар бўлмайди. Бу ҳолатда барча тақдим қилинган ҳужжатлар ва маълумотлар юзасидан ҳўжалик юритувчи субъект жавобгар деб саналади.

56. Комиссия муҳокамасига киритилган барча ҳужжатлар, шу жумладан, Комиссия қарори, ғолиб бўлмаган етказиб берувчиларнинг таклифлари ва киритилган қўшимча маълумотлар Комиссия котибида сақланади.

57. Товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш билан боғлиқ барча шартномалар ва бошқа ҳужжатлар Банк Бошқарувининг 2008 йил 9 февралдаги

7/6-сонли қарори билан тасдиқланган “Банк операциялари билан боғлиқ бўлмаган хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш бўйича Тавсиялар” асосида тузилиши ва расмийлаштирилиши лозим.

IV. Якуний қоидалар

58. Ушбу Низомда назарда тутилган қоидаларнинг тўғри қўлланилиши устидан назорат Банкнинг Иқтисодий таҳлил департаменти зиммасига юклатилади.

59. Мазкур Низом янги таҳрирда тасдиқланиши муносабати билан Банкнинг қуйидаги ички меъёрий ҳужжатлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

1) Банк Бошқарувининг 2012 йил 14 мартдаги 27/1-сонли қарори ва мазкур қарор билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ эҳтиёжлари учун товарлар (хизматлар ва ишлар) сотиб олиш тартиби тўғрисида”ги Низом (Методология бўлимида рўйхатга олинган рақами: 94, 2012 йил 14 мартдаги);

Киритилди:

Иқтисодий таҳлил
департаменти директори

 Б.А. Рахматов

Келишилди:


С. Ходжаев

А. Рашидов

Б. Усмонов

Ф. Тўраев

Х. Ахмедов



“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ
тизими эҳтиёжлари учун товарлар
(ишлар, хизматлар)нинг харидини
ташқил этиш ва ўтказиш тартиби
тўғрисида Низомга
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республика товар-хон ашё биржасида ўтказиладиган
электрон савдоларда харид қилинадиган, мамлакатимизда ишлаб
чиқарилган, битта контракт бўйича қиймати 300 (уч юз) АҚШ
долларидан 100 (бир юз) минг АҚШ долларигача эквивалентдаги
товарлар (ишлар, хизматлар)
РЎЙХАТИ

1. Кабель ўтказгич маҳсулотлари (моддий балансга асосан биржа савдолари орқали харид қилинадигандан ташқари)
2. Қора металл прокати (моддий балансга асосан биржа савдолари орқали харид қилинадигандан ташқари)
3. Компьютер, принтер, нусха кўчириш ва бошқа офис ҳисоблаш техникалари ҳамда улар учун бутловчи қисмлар
4. Электротехника ускуналари ва маҳсулотлари (электродвигател, реле, трансформатор, тақсимлаш шити, лампа, ўчиргичлар, пускателлар ва бошқа электротехника маҳсулотлари)
5. Мебель, офис учун бошқа жиҳозлар ва ускуналар
6. Ахборот коммуникация технологиялари учун дастурий маҳсулотлар
7. Махсус кийим, оёқ кийими, ётоқхона анжомлари, матолар ҳамда бошқа енгил саноат маҳсулотлари
8. Маданий-маиший мақсадлар учун товарлар ва маиший техника
9. Қурилиш моллари (моддий балансга асосан биржа савдолари орқали харид қилинадигандан ташқари)
10. Машинасозлик маҳсулотлари, механик асбоб ускуналар, машиналар, станоклар ва бутловчи қисмлар
11. Механик ускуналар, машиналар, станоклар, бутловчи қисмларни ва бошқа машинасозлик ускуналарини таъмирлаш
12. Компьютер, офис ва бошқа ускуналарни таъмирлаш ва техник кўриқдан ўтказиш (тузилган шартнома доирасида берилган кафолат бўйича таъмирлашдан ташқари)
13. Турар жой ва нотурар жойларни ҳамда иншоотларни сақлаш ва жорий таъмирлаш
14. Қоғоз, канцелярия товарлари ва полиграфия маҳсулотлари
15. Таъмирлаш ишлари учун асбоблар ва бошқа зарур жиҳозлар
16. Сантехника, сув ва газ ўтказиш ускуналари.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ
тизими эҳтиёжлари учун товарлар
(ишлар, хизматлар)нинг харидини
ташкил этиш ва ўтказиш тартиби
тўғрисида Низомга
2-ИЛОВА

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ _____ (филиал номи) эҳтиёжлари учун
товарлар (ишлар, хизматлар)ни электрон савдолар асосида харид қилиш
бўйича Банк комиссиясининг
_____ -сонли баённомаси

20 ____ йил “ ____ ” _____ ш.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ _____ филиали
_____ бўлимининг 20 ____ йил ____ даги буюртмасида, филиал иш
фаолияти учун зарур ____ миқдорда _____ товар (ишлар, хизмат) сотиб олишга
эҳтиёж туғилганлиги маълум қилинган.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ _____ филиали иқтисодий таҳлил
бўлими (сектори) томонидан мазкур _____ ни товар (ишлар,
хизматлар) юзасидан қуйидаги маълумотларни олинган:

1.	Банк (филиал) нинг номи ва манзили.			
2.	Электрон савдоларни ўтказиш муддати (биринчи ва охири кунлари кўрсатилган ҳолда).			
3.	Савдолар предметининг бошланғич нархи.			
4.	Савдолар предметининг тавсифи (спецификацияси).			
5.	Товарларни етказиб бериш, (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) муддатлари ва шартлари.			
6.	Савдолар предмети лотлар бўйича бўлиш ва ҳар бир лотнинг миқдори.			
7.	Товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш жойи (манзили) ҳамда муддатлари ва шартлари.			
8.	Савдолар предметининг индивидуал параметрларини ҳарактерловчи алоҳида шартлар (ранги, шакли, вазни, ўлчамлари).			

9.	Ишлаб чиқарувчи томонидан товар учун белгиланган кафолат даври ва ва ундан кейинги фойдаланиш даврида хизмат кўрсатиш имкониятлари.			
10.	Айрим товарлар бўйича етказиб берувчининг товарлар (ишлар, хизматлар) учун божхона юк декларацияси, сертификат, гувоҳнома, лицензия хужжатларини мавжудлиги.			

Юқорида келтирилган товар (ишлар, хизматлар)ни мазкур шартлар асосида электрон савдоларни ўтказиш бўйича, Банк комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Электрон савдолар орқали “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ _____ (филиал) эҳтиёжи учун _____ миқдордаги _____ ни харидлар амалга оширилсин.

2. Белгиланган тартибда махсус <http://uzex.uz> ахборот порталига эълонни жойлаштириш ва электрон савдоларда иштирок этиш ҳамда савдоларда голиб чиққан етказиб берувчи билан шартнома тузиш, шартнома шартларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши устидан назорат _____ юклатилсин.

Комиссия раиси:

Комиссия раиси ўринбосари:

Комиссия аъзолари:

Комиссия котиби:



“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ
тизими эҳтиёжлари учун товарлар
(ишлар, хизматлар)нинг харидини
ташкил этиш ва ўтказиш тартиби
тўғрисида Низомга
3-ИЛОВА

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ _____ (филиал номи) эҳтиёжлари учун
товарлар (ишлар, хизматлар)ни танлов асосида сотиб олиш бўйича Банк
комиссиясининг
_____-сонли баённомаси

20 ____ йил “ ____ ” _____

Тошкент ш.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ департамент ва мустақил бошқармасининг (филиалларда бўлим) 20 ____ йил ____ даги ____-сонли билдиришномасига асосан (тасдиқланган молиявий режага ёки сметага асосан) Иқтисодий таҳлил департаменти (филиалларда бўлим) (Комиссия котиби) томонидан мазкур товар (ишлар, хизматлар)ни етказиб бериш юзасидан қуйидаги ташкилотларнинг тижорат таклифлари олинган:

№	Товар номи	Ўлчов бир-лиги	Ми-к-дор-и	____ МЧЖ		____ МЧЖ		____ МЧЖ	
				Нархи	Сумма	Нархи	Сумма	Нархи	Сумма
1									
2									
3									
4									
5									
6									
7									
8									
9									
Жами:									

Юқоридагиларга асосан “ _____ ”томонидан етказиб берилиши таклиф этилаётган _____ танловда иштирок этаётган қолган иштирокчиларнинг берган таклифидан арзон нархда ва сифатли бўлганлигини ҳамда товар (ишлар, хизматлар)ни етказиб бериш муддатлари қисқа бўлганлигини ҳисобга олиб, “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ эҳтиёжлари учун товарлар (ишлар, хизматлар) харидини ташкил қилиш комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ _____ (филиал номи) учун _____ миқдордаги товар (ишлар, хизматлар)ни сотиб олиш бўйича ўтказилган танловнинг
ғолиби деб “_____” МЧЖ этиб белгилансин.

2. “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ _____ (филиал номи) ҳамда
“_____” ўртасида товар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш бўйича умумий
_____ (сумма сўз билан ёзилади) суммага амалдаги қонунчилик асосида
шартнома тузилишига рухсат берилсин.

3. Белгиланган тартибда шартномалар тузилиши, шартнома шартларининг
тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши устидан назорат _____ зиммасига
юклатилсин.

Комиссия раиси:

Комиссия раиси ўринбосари:

Комиссия аъзолари:

Комиссия котиби:



Юридик бошкарма
Методология бўлимида 2014 йил
“3” октябрь даги 27-сон билан
“РУЙХАТГА ОЛИНГАН”

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ
Бошқарувининг
2014 йил “3” октябрь даги
206-сонли қарори билан
“ТАСДИҚЛАНГАН”



Бошқарув Раиси в.в.б.

Ж. Обиджонсов

Банк Бошқарувининг 2014 йил 31 январдаги 27-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ тизими эҳтиёжлари учун товарлар (ишлар, хизматлар)нинг харидини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга киритилаётган ўзгартириш ҳамда қўшимчалар

1. Низом номи ва унинг таркибидаги “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ” сўзлари “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ” сўзларига алмаштирилсин.

2. Низомнинг 2-банди қуйидаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Тахминий қиймати 100 минг АҚШ доллари эквивалентига тенг миқдордан ортиқ битта шартнома бўйича товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиб олиш тендер савдолари асосида амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори билан тасдиқланган “Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисида”ги Низом қоидалари корхоналар ва ташкилотларга ўз маблағлари ҳисобига хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилишда Низомга амал қилиш тавсия этилганлигини инобатга олиб, Банк тизимида 100 минг АҚШ долларига тенг миқдордан ортиқ битта шартнома бўйича товар (ишлар, хизматлар)ни сотиб олиш юзасидан тендер савдолари ҳужжатларини тайёрлаш ва тендер савдолари ўтказилишини ташкил этишда мазкур Низом қоидаларидан фойдаланилади.”

3. Низомнинг 4-банди қуйидаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

“и) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган мажбурий бўлган товарлар (ишлар, хизматлар) аниқ кўрсатилган етказиб берувчидан харид қилинганда; етказиб берувчига рақобатчи корхона ва ташкилотлар бўлмаганда ёки иқтисодий самарадорлик жиҳатидан зудлик билан товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиб олиш лозим бўлган тақдирда харидлар таққослама-таҳлил асосида комиссия қарори билан амалга оширилади.

Таққослама-таҳлил асосида товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олинаётганда камида учта етказиб берувчилардан тижорат таклифлари олинishi лозим.

й) дастлабки тузилган шартнома бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчи корхонадан айнан худди шундай товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олинган тақдирда, дастлабки шартнома умумий суммасининг 20 фоизидан

ошмайдиган суммага қўшимча келишув тузиш орқали сотиб олиниши мумкин.”

4. Низомнинг 5-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Филиал томонидан 300 (уч юз) АҚШ долларига тенг суммадан ошмаган миқдорда товарлар (ишлар, хизматлар)ни етказиб берувчилар билан бир ой давомида тузиладиган шартномалар суммасининг жами миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг **50** (эллик) бараваридан, Бош банк ҳузуридаги Амалиёт бошқармаси учун эса энг кам ойлик иш ҳақининг **120** (бир юз йигирма) бараваридан оширилиши мумкин эмас.”

5. Низомнинг 10-банди қуйидаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Савдолар предметининг мўлжалланаётган бошланғич нархи камида иккита етказиб берувчиларнинг тижорат таклифлари ёки уларнинг интернет сайтларида жойлаштирилган расмий нархлардан келиб чиқиб белгиланади.”

6. Низомнинг 24-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Банк ва унинг филиаллари савдолар ўтказиш тўғрисидаги эълонни махсус ахборот порталида жойлаштириш учун биржа томонидан белгиланган миқдордаги тўловни амалга оширади.

Эълонлар бўйича тўловлар олдиндан амалга оширилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

1) Махсус ахборот порталида эълон жойлаштириш учун:

ДТ – 19907 “Хизматлар учун олдиндан қилинган харажатлар”

КТ – “ЎзРТХБ АЖ ХККП талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар”

2) Электрон савдолар бўлиб ўтгандан сўнг:

ДТ – 56402 “Реклама ва эълон харажатлари”

КТ – 19907 “Хизматлар учун олдиндан қилинган харажатлар”

7. Низомнинг 28-банди қуйидаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Электрон савдоларда катнашиш учун тузилажак шартнома тахминий суммасининг уч фоизидан кўп бўлмаган миқдорда олдиндан амалга ошириладиган аванс (закалат) тўловлар бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Тузилажак контракт тахминий суммасининг уч фоизидан кўп бўлмаган миқдорда аванс (закалат) тўловлар бўйича:

ДТ – 19997 “Хизматлар учун олдиндан қилинган харажатлар”

КТ – “ЎзРТХБ АЖ ХККП талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар”

8. Низомнинг 32-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Воситачилик йиғимини тўлаш бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

1) Биржанинг воситачилик йиғимини тўлаш учун:

ДТ – 19907 “Хизматлар учун олдиндан қилинган харажатлар”

КТ – “ЎзРТХБ АЖ ХККП талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар”

2) Электрон савдолар бўлиб ўтгандан сўнг, тузилган контрактнинг суммаси бўйича ҳисобланган воситачилик йиғими бўйича:

ДТ – 55195 “Бошқа воситачилик ва хизмат харажатлари”

КТ – 19907 “Хизматлар учун олдиндан қилинган харажатлар”

3) Контракт суммаси бўйича ҳисоб китоб қилингандан сўнг, олдиндан

тузилажак контракт тахминий суммаси бўйича ўтказилган воситачилик йиғими ўртасидаги фарқ суммасини банкнинг 19907 ҳисоб рақамига қайтарилишини назорат қилади.”

9. Низомнинг 35-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Банк ва унинг филиалларидаги масъул ходим ҳисоб-китоб-клиринг палатаси амалга оширилган аванс (закалат) тўловининг блокировкадан чиқарилган қолдиқларини бир иш куни мобайнида банкнинг 19997 ҳисоб рақамига қайтарилишини назорат қилади.”

10. Низом қуйидаги мазмундаги 60-банд билан тўлдирилсин:

“Банк эҳтиёжи учун товарлар (ишлар, хизматлар) харидини ташкил этиш билан шуғулланадиган масъул ходимлар ҳар бир йилда бир маротаба ротация қилиб борилиши лозим.”


Киритилди:

Иқтисодий таҳлил
департаменти директори

 Б.Рахматов

Келишилди:

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи
департаменти директори в.в.б

 А. Дадаханов

Юридик бошқарма бошлиғи

 Б. Усмонов

Капитал қўйилмаларни молиялаштириш
бошқармаси бошлиғи

 Ф. Тўраев

Пул муомаласи ва касса операциялари
бошқармаси бошлиғи в.в.б

 Ш. Шомуротов



O'ZSANOATQURILISHBANK

"O'zbekiston sanoat-qurilish banki" aksiyadorlik tijorat banki
"Uzbek Industrial and Construction Bank" Joint-Stock Commercial Bank
Акционерный коммерческий банк "Узбекский промышленно-строительный банк"

BOSHQARUV QARORI

Toshkent sh.

№ 206

2014 yil 3 oktyabr

"Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ тизими эҳтиёжлари учун товарлар (ишлар, хизматлар)нинг харидини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомга ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш ҳақида

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ эҳтиёжи учун товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида,

БОШҚАРУВ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Банк Бошқарувининг 2014 йил 31 январдаги 27-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ тизими эҳтиёжлари учун товарлар (ишлар, хизматлар)нинг харидини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомга киритилаётган ўзгартириш ҳамда қўшимчалар иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2014 йил 2 октябрдан бошлаб қўлдан киритилсин.

2. Банк филиаллари раҳбарлари мазкур Низомга киритилган ўзгартиришларни ходимлар эътиборига етказсин ҳамда унинг талабларига оғишмай риоя этилишини таъминласин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Бошқарув Раиси ўринбосари С.Ходжаев зиммасига юклатилсин.

Бошқарув Раиси в.в.б

Бошқарув Раиси ўринбосари

Бошқарув Раиси ўринбосари

Юридик бошқарма бошлиғи


Иқтисодий таҳлил департаменти
директори


М. Обиджонов


Ш. Якубов


С. Ходжаев


Б. Усмонов


Б. Рахматов